



**ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА**  
**ПРОКТОСЕДИЛ**  
**PROCTOSEDYL**

**Препаратнинг савдо номи:** Проктоседил® (Proctosedyl)

**Дори шакли:** маҳаллий қўллаш учун суртма

**Таркиби:**

1 грамм суртма сақлайди:

*Фаол моддалар:*

гидрокортизон ацетати	- 5,58 мг
фрамицетин сульфати	- 10,00 мг
гепарин натрий	- 100 ХБ
эскулозид	- 10,00 мг
бензокаин (этиламинобензоат)	- 10,00 мг
бутамбен (бутиламинобензоат)	- 10,00 мг

*Ёрдамчи моддалар:* холестерин, суюқ парафин (E905c), оқ юмшоқ парафин (E905c), полисорбат 80, (E433), пропиленгликоль (E1520), макрогол (полиэтиленгликоль) 400 (E1521), макрогол (полиэтиленгликоль) 4000 (E1521), макрогол (полиэтиленгликоль) 1500 (E1521).

**Таърифи:** деярли оқ (яшил-сарғиш тусли) ёғли, бир хил, гомоген масса.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** колопроктологияда ёшлланадиган восита (геморройга қарши восита)

**АТХ коди:** C05AX03

**Фармакологик хусусиятлари**

Геморрой ва аноректал соҳанинг бошқа касалликларини даволаш учун мажмуавий препарат. Гидрокортизон-глюкокортикоид, яллиғланишга қарши восита ҳисобланади. Қизариш, шиш, оғриқ ва шу каби яллиғланишнинг турли белгилари ва симптомларини бартараф этади.

Гепариннинг натрий тузи – ангиокоагулянт восита ҳисобланади, геморройнинг тромботик асоратларини бартараф этади.

Фрамицетин сульфати – маҳаллий қўллаш учун кенг таъсир доирасига эга антибиотикдир. Бир қатор граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан бактерицид фаолликка эга.

Эскулозид Р витаминига турдошдир, капиллярларнинг юқори мўртлигини камайтиради.

Этиламинобензоат ва бутиламинобензоат маҳаллий оғриқ колдирувчи ва қичишишга қарши таъсирга эга, анал сфинктернинг спазмларини камайтиради.

Препаратнинг самараси қўлланганидан кейин бир неча минут ўтгач намоён бўлади.

**Қўлланилиши**

Ички ва ташқи геморрой, қайтариллишини олдини олиш; перианал экзема, проктит, орқа тешик йўлининг ёрилиши; геморройи бўлган беморларни операциядан олдин ва кейин даволаш, туғруқдан кейинги геморрой.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Суртманинг озгина миқдори қичишиш ва оғриқли соҳага эрталаб ва кечқурун, шунингдек, ҳар бир ич келишдан кейин суртилади.

Тўғри ичакка янада чуқурроқ киритилиши учун суртмали тубикка аппликатор кийдирилади

ва у тўғри ичакка етарлича чуқур киритилганига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг тубикнинг пастки четини эҳтиёткорлик билан босган ҳолда аппликатор аста-секин чиқариб олинади. Суртма ректал капсулалар билан бирга қўлланиши ҳам мумкин. Проктоседил® қиска муддат (кўпи билан 7 кун) давомида қўлланилади.

### **Ножўя таъсирлари**

Тўғри ичак соҳасида дискомфорт хисси ва препарат компонентларига юқори сезувчанликнинг бошқа реакциялари юзага келиши мумкин. Ачишиш, шиллик қаватни қуруши, иккиламчи инфекцияни кўшилиши кузатилиши мумкин. Проктоседил® катта дозаларда ва/ёки узоқ вақт давомида қўлланганида гидрокортизон билан боғлиқ тизимли ножўя таъсирлар юзага келиши хавфи ошади.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

Препаратни аноректал соҳанинг туберкулезли, вирусли ва замбуруғли шикастланишида қўллаш мумкин эмас.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида препаратни қўллаш мумкин эмас.

Эмизикли ёшдаги болаларда препаратни қўллаш мумкин эмас.

Артериал гипертензияси, юрак етишмовчилиги бўлган беморларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

### **Махсус кўрсатмалар**

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

### **Чиқарилиш шакли**

Маҳаллий қўллаш учун суртма.

10 г дан алюминий тубада. Ҳар бир туба қўллаш бўйича йўриқномаси ва пластик учлик (канюля-дозатор) билан бирга картон қутида.

### **Сақлаш шароити**

+25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

2 йил.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Шифокор рецептисиз.

### **Ишлаб чиқарувчи**

Санофи Индия Лимитед, Ҳиндистон

54/A, Sir Mathuradas VasANJI Road, Chakala, Andheri (East), Mumbai-400093, India